

## Дин ишлари бўйича қўмита раиси ўринбосарлигига аёл киши тайинланди



11:30 / 09.09.2019 3249

Дилбар Мухамедхановна Ғуломова Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг ўринбосари этиб тайинланди. Бу ҳақда ҳуқуқий ахборот телеграм канали хабар беради.

Аввалроқ Давлат хавфсизлик хизмати тизимида ишлаган Дилшод Мухитдинович Эшнаев Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг ўринбосари – Диний ижтимоий жараёнларни ўрганиш ахборот-таҳлил маркази директори этиб тайинлангани ҳақида маълум қилинган.

Маълумот ўрнида, Дилбар Ғуломова 1995 йилдан Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси бўлиб ишлаган, 2000 йилда Олий Мажлис сессиясида

Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб тасдиқланган. Ҳар икки лавозимни 2004 йилга қадар эгаллаган. 1999-2004 йилларда Олий Мажлис депутати бўлган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳар бир шахснинг виждон ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, фуқароларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги вазифаларни ҳал этиш ваколати берилган давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

***Islom.uz портали таҳририяти***